# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 18 сентябрь № 197 (3472) Шанба


# ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИДИР



## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам депутатлар!

Барчангизга маълумки, бугунги сессия мажлисининг кун тартибига битта масала — яъни, ташкилий масала киритилган.

Сиз, ҳурматли депутатлар билан учрашувимизнинг асосий мақсади — бугун Наманган вилоятидаги мавжуд вазият ва аҳволни танқидий баҳолаш, одамларнинг кайфияти, ҳаётга муносабати, уларнинг нималардан рози, нималардан норози эканини билиш ва шундан хулоса ва сабоқлар чиқаришдан иборат.

Шулар билан бирга, Наманган вилоятининг иқтисодиёт ва хўжалик соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, олдимизга қўйган режа ва марраларга эришиш йўлида ғовтўсиқ бўлиб турган муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш юзасидан фикр алмашиб олишимиз лозим.

Азалдан меҳнатсевар, тадбиркор ва ҳунарманд, дину диёнатли инсонлар юрти бўлиб келган Наманган вилояти ўзининг ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда бутун юртимиз қатори бу заминда ҳам тараққиёт йўлида анча ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини, хусусан, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, янги қувватларни ишга туширишда, маданий-маиший иншоотлар барпо этиш, ободончилик ишлари борасида муайян ютуқларга эришилганини кўришимиз ва тан олишимиз зарур.

Вилоят хўжалигининг барча етакчи соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, чакана товар айланмаси, пуллик хизмат кўрсатиш, аҳоли реал даромадларининг ортиши бўйича қилинган ишлар ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хориж инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир қатор замонавий қўшма корхоналар Наманган иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хусусан, "Нестле", "Пап Фен" каби қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган юқори сифатли маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам ўз харидорини топмоқда.

Бу ютуқларнинг таг-заминида шу муқаддас юртда яшаётган инсонларнинг, кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган минг-минглаб наманганликларнинг фидойилиги, изланиш ва интилишлари мужассам эканини барчамиз яхши англаймиз.

Такрор айтмоқчиман, бугун Наманган тупроғида юз бераётган ва кўзга ташланаётган янгиланишларни, шаҳар ва қишлоқларимизнинг шакли, қиёфаси тобора ўзгариб, биринчи навбатда, одамларимизнинг маданияти, онгу тафаккури юксалиб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг фаоллиги ортаётгани, фуқароларимизнинг эл-юртимизда бўлаётган барча ижобий ўзгаришларга ўз дахлдорлигини сезиб, ўзини анча эркин ва мустаҳкам тутаётганини кўриб, киши беихтиёр қувонади, албатта.

Буларнинг барчасига аввало, мустақиллик шарофати билан юртимиздаги ҳар қайси инсон, оила ҳаётида, ёшларимиз дунёқарашида тобора мустаҳкамланиб бораётган эгалик ҳиссиёти асосий омил бўлмоқда, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мен одамларимизнинг онгида, қарашларидаги ҳеч нарса билан солиштириб, қиёслаб бўлмайдиган бундай ўзгаришларни истиқлол йиллари давомида биз эришган энг катта, энг юксак ҳаётимизнинг эртанги кунини ҳал қилувчи улкан ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

Шу борада бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур, деб ўйлайман. Бундай кайфиятда бўлган, эртанги кунга ишонч билан яшаётган, катта интилиш ва умид билан меҳнат қилаётган халқимизга бор гапни очиқчасига, оқни-оқ, қорани — қора деб, ҳеч нарсани яширмасдан айтишимиз зарур.

Чунки, биринчидан — улар ҳаётимизда содир бўлаётган барча воқеалардан хабардор бўлсин, иккинчидан — фақатгина мана шундай муносабат, мана шундай ошкора, очиқ ташкил қилинган мулоқот-суҳбат, халққа билдирилган ҳурмат-эҳтиром одамларнинг адолатга бўлган ишончи сўниб қолишига йўл қўймайди, уларнинг фаоллигини янада оширади.

Шу нуқтаи назардан вилоятдаги мавжуд вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида зикр этилган ижобий ишлар билан бир қаторда, бу ерда турли салбий ҳолатлар, ўз ечимини топмай келаётган муаммолар, жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини ҳам тан олишимиз, уларга барҳам бериш йўлларини топишимиз даркор.

Бу таҳлилни вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлайлик.

Албатта, сўнгги йилларда Наманган вилоятида бу борада анча-мунча ўзгаришлар амалга оширилганини, одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабати ўзгара бошлаганини, айниқса, ернинг ҳақиқий эгаси, фаровон ҳаёт бунёдкори бўлган фермерлик ҳаракатининг тобора кучга кириб бораётганини қайд этишимиз лозим.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Ф А Р М О Н И*

### И.Х.Нажмиддиновни Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Икромхон Хошимхонович Нажмиддинов Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 сентябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Ф А Р М О Н И*

### Т.О.Жабборовни Наманган вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Тўлқин Отахонович Жабборов ўз аризасига биноан Наманган вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 сентябрь.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***17 сентябрь куни халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари вилоят аҳлининг мамлакатимиз ривожига салмоқли улуш қўшаётганини таъкидлади. Буни азалдан меҳнатсевар, тадбиркор ва ҳунармандлар юрти бўлиб келган Наманганнинг енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларида, фан ва маданият масканлари фаолиятида кўриш мумкин.

Вилоятнинг иқтисодий ривожида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хориж инвестициясини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир неча қўшма корхоналар муҳим аҳамият касб этмоқда. "Нестле", "Пап-Фен" сингари қўшма корхоналарни алоҳида таъкидлаш мумкин. Уларнинг маҳсулотлари мамлакатимизда ва қатор хорижий давлатларда аллақачон ўз харидорини топган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, вилоятда ҳалиҳамон эски тузумга хос иш юритиш ва бошқарув услубларидан батамом воз кечилгани йўқ. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, давлат мулкига, айниқса, муқаддас неъмат саналмиш ерга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш, уни талон-торож қилиш, энг ачинарлиси, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик, қонунбузарлик каби жиддий нуқсонлар учрамоқда. Юқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган айрим шахсларнинг масъулиятсизлиги оқибатида маънавий муҳит ва адолат тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ ачинарли ҳолатлар рўй берган.

Вилоятда юзага келган бундай вазият зарур чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Тўлқин Жабборов ўз аризасига биноан Наманган вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Икромхон Нажмиддинов Наманган вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Наманган давлат университети ректори Турсунбой Файзуллаев, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураҳим Ҳамидов, Чортоқ тумани ҳокими Муродилла Ҳасанов ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

**Н.ОЧИЛОВ,**
**И.РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**СУРАТЛАРДА: сессиядан лавҳалар. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## УЛКАН ЭЪТИБОР САМАРАСИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Қ.ҚАРШИЕВ).*** "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) делегацияси аъзоларининг юртимиз спорти билан танишуви якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ФИФА халқаро спорт ҳаракатининг энг нуфузли ва оммавий ташкилоти сифатида ўз таркибига 200 дан зиёд миллий футбол федерациясини бирлаштирган. Мамлакатимиз унга ўн йил муқаддам аъзо бўлиб кирган.

— Мамлакатингизда спортни, айниқса футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга лойиқ, — деди Халқаро футбол федерацияси ассоциацияси президенти Йозеф Блаттер матбуот анжуманида. — Ана шундай улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ истеъдодли футболчиларингизнинг номи жаҳонга тобора машҳур бўлиб бораётир. Миллий терма жамоангизнинг халқаро турнирларда эришаётган муваффаққиятлари бунинг яққол далилидир. Айни вақтда Ўзбекистоннинг ёшлар ва ўсмирлар терма жамоалари вакиллари ҳам халқаро мусобақаларда муносиб қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистонда барпо этилган спорт иншоотларини бугун жаҳоннинг айрим илғор мамлакатларида ҳам учратмайсиз.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

## МДҲ ташкилотининг истиқболи бор

***Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг навбатдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, у самарали бўлди ва МДҲ ташкилотини бундан буён, жилла қурса, шу алфозда сақлаб қолишга шубҳа қилаётган айрим сиёсатчиларнинг башоратларини пучга чиқарди. МДҲ давлатлари раҳбарларининг Остона йиғилишини ҳеч иккиланмай тарихий саммит деб аташ мумкин. Чунки унда МДҲ ташкилотининг келажаги борлиги эътироф этилди.***

Башоратчилар ҳақидаги фикрни давом эттирадиган бўлсак, уларнинг башоратлари амалга ошиши учун бир баҳя қолган эди, десак ҳам хато бўлмайди. Бу ташкилот доирасида минг-минглаб ҳужжатлар имзоланган, буларнинг эса натижаси кўринмасди.

Остонага етиб борган давлатимиз раҳбарини, бошқа расмий кишилар қатори, МДҲ ташкилоти ижроия қўмитаси раиси В.Рушайло ҳам кутиб олди. Бир оз фурсат ўтгач, вақт анча кеч бўлиб қолганига қарамай, Ўзбекистон Президентига ажратилган қароргоҳда Ислом Каримовнинг Владимир Рушайло билан суҳбати бўлди.

Суҳбатнинг асосий мавзуи МДҲ ташкилотининг келажаги ва бу ташкилотга навбатдаги раислик қиладиган давлат атрофида бўлди.

Президентимиз ҳар доимгидек ўзларининг прагматик қарашларини баён этиб, қатъиятлик билан Ўзбекистон МДҲнинг сақлаб қолиш тарафдори эканини таъкидладилар ва ижроия қўмитаси раҳбаридан ушбу таклифни ҳамда бу ташкилотга навбатдаги раисликни Россияга топшириш зарурлигини қолган барча давлатлар раҳбарларига етказиш ва уни қўллаб-қувватлашни сўрадилар.

Эртасига саммит бошланмасдан Ўзбекистон ва Россия Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув аввалдан тасдиқланган дастурда кўзда тутилмаган эди.

Президент Ислом Каримов нега шундай йўл тутди? Халқимизнинг бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, нақли айнан шу бугун МДҲ учун қўл келиши мумкин. Бугун барча МДҲга аъзо мамлакатларда етарли даражада ўзига яраша муаммолар йиғилиб қолган. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларни четга суриб турганимизда ҳам терроризм деган бало ҳаммани ташвишга солиб турибди. Бугун бир тан, жон бўлиб ишлайдиган пайт келган. Мураккаб бўлган бу

### Саммитдан кейинги ўйлар

замонда салоҳияти, имкониятлари катта, иқтисодиёти жиҳатидан бой бўлган Россия давлатигина МДҲ раҳбарларини бошини қовуштира олади, ташкилот ичида ислоҳотларни ҳам Россия бошчилигида амалга ошириш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари МДҲ ташкилотига навбатдаги раисликни Россия давлатига топшириш ташаббусини киритдилар.

Ўзбекистон томонидан тайёрланган бу хусусдаги қарор лойиҳаси барча давлатлар раҳбарлари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Ойлар, йиллар бир-бирини қувиб ўтаверади. МДҲ ташкилоти асос солинганига ҳам қарийб ўн уч йил бўлди. Дастлабки йилларда тез-тез кўришиб турган давлат раҳбарлари, кейинчалик нисбатан камроқ учрашадиган бўлишди. Меҳр кўзда, деганларидек, орадан бир оз оқибат кўтарилгандек бўлди, чоғи.

Ўтган давр мобайнида МДҲ доирасида уч мингдан зиёд турли ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатларнинг айримлари деярли ишламаяпти, десак биз билан баҳслашувчилар кам топилса керак. Агар бу битимлар-у қарорларнинг барчасининг ижроси таъминланганда эди, МДҲ ташкилотининг жаҳонда тенги бўлмасди. Афсуски, ундай бўлмади. Сўнгги ўн йилликда дунё кескин ўзгарди, ҳаёт ўзгарди, одамлар ўзгарди. 1991 йилда қабул қилинган МДҲ ташкилоти Низоми эса ўзгармади.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги таклифи МДҲнинг истиқболи тўғрисида бўлди. Президентнинг таъкидлашларича, МДҲнинг шаклини яратиш лозим. Унга кўра, МДҲ ташкилоти ўзига аниқ-равшан бўлган йўлни белгилаб олиши даркор.

Шу ўринда Президент Ислом Каримов Европа Иттифоқи моделини мисол қилиб келтирди, ташкилот ичида ислоҳотлар ўтказишда бу Европа ташкилотини намуна қилиб кўрсатиш мумкин, деди. Ташкилотнинг истиқболда самарали натижалар берадиган фалсафасини ишлаб чиқиш заруриятини қайд этди.

Остона саммити ишида МДҲ ташкилотининг тизими танқид қилинди. Давлат раҳбарлари кенгашидан ташқари, ҳукуматлар, ташқи ишлар вазирлари, мудофаа вазирлари ва қатор бошқа кенгашлар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Иқтисодий суд, Давлатлараро статистика қўмитаси ва шунга ўхшаш ўнлаб қўмита-ю комиссиялар ишлаб турибди. Бу тизимларнинг самараси ҳеч бир ишда кўринмаяпти. Давлат раҳбарлари бу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдиларки, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг МДҲ ташкилоти тизимини ислоҳ

(Давоми 3-бетда).

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА АРМИЯ

Тошкентдаги Марказий офицерлар уйида "Миллий истиқлол ғояси ва армия" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ва академиялар, олий ҳарбий билим юртлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда замонавий профессионал армия шакллaниб бораётгани таъкидланди. Миллий истиқлол ғояси ҳаётимизга, армиямизга чуқур сингиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда).

# ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда мавжуд 5 минг 140 та фермер хўжалиги вилоят миқёсидаги жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тахминан 10 фоизини етказиб бераётгани бунга мисол бўла олади.

Лекин, очиғини айтадиган бўлсак, ҳозирги пайтда вилоят қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг боришини қониқарли деб бўлмайди.

Масалан, пахтачилик соҳасини олайлик.

Ўзининг бой ва қадимий деҳқончилик тажрибасига, миришкор деҳқонлари, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган Наманган вилояти пахта етиштириш бўйича шартнома режасини кейинги йилларда сурункасига бажармасдан келмоқда.

Хусусан, ўтган йили бу борадаги давлат буюртмаси 62 фоиз даражасида қолиб кетганини эсласак, ўйлайманки, вилоятда ишни замон талаблари асосида ташкил этиш масаласида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлади.

Бундай аҳволнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳақида кўп гапириш мумкин. Мен фақат энг асосийларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун барчамизга аёнки, қишлоқ хўжалигини фақат ва фақат юксак агротехника талаблари ва қоидаларига қатъий амал қилиш, фантехника ютуқларини, илғор тажрибаларни кенг жорий этиш, энг муҳими, барчамизни боқадиган деҳқонга, ишлаб чиқарувчига эркинлик, муносиб шароит яратиб бериш, унинг меҳнатини ўз вақтида ва одилона рағбатлантириш ҳисобидан ривожлантириш мумкин.

Бунинг бошқа ҳеч қандай воситаси ҳам, чораси ҳам йўқ.

Токи ҳар қайси деҳқон кечаги кунни бугунги кун билан солиштирганда, ўз ҳаётида қандайдир ўзгариш кўрсин.

Фаровон ҳаёт — бу фақат моддий бойлик, тўкинсочинликдан иборат эмас. Бу аввало эркинлик, эркин нафас олиш демакдир. Инсон ўз меҳнати, ўз турмушидан рози бўлиб, оиласининг эртанги кунидан хотиржам бўлиб, фарзандлари кўзига тик қарай олиши ҳам фаровон ҳаёт белгисидир.

Агар одамнинг уйида молу дунё, машинаси бўлса-ю, у эркин нафас олиб яшамаса, бундай фаровонлик кимга керак? Албатта, ҳаёт учун пахта ҳам, ғалла ҳам зарур. Лекин улар нимага, қандай мақсадлар учун керак? Улар, аввало фаровон ва эркин ҳаётнинг асоси сифатида керак.

Шу кўз билан қараганда, афсуски, Наманган вилоятида ҳали- ҳамон эски тузумга хос иш юритиш ва бошқарув услубларидан воз кечилмаяпти, кўп жойларда ерга бўлган хўжасизларча муносабат давом этмоқда.

Мингбулоқ, Поп, Янгиқўрғон, Чуст ва Косонсой туманларида қарийб 33 минг гектар ер майдонининг кучли шўрланишига йўл қўйилгани биринчи галда ана шундай муносабат натижасидир. Бу кўрсаткич вилоят бўйича кейинги йилларда қарийб 13 фоизга ошган, ҳосилдорлик эса пасайиб бормоқда.

Биргина мисол — 2002 йил якунлари бўйича Мингбулоқ туманида пахта ҳосилдорлиги 16 центнерни, ўтган йили эса атиги 12 центнерни ташкил этган.

Мен илгари ҳам айтганман, ҳозир ҳам такрорлашга мажбурман.

Ўн-ўн икки центнер ҳосил олгандан кўра шу ерга умуман пахта экмаган маъқул эмасми? Барака топкурлар, нима қиласизлар, ернинг ҳам, ўзингизнинг ҳам умрингизни бекор ўтказиб?

Фермер хўжаликларига етарли имкониятлар яратиб бермаслик тармоқдаги қолоқликнинг асосий сабабларидан биридир. Масалан, Мингбулоқ, Поп ва Чуст туманларида фермерларни ҳайдов тракторлари билан таъминлаш даражаси 20 фоиздан ошмайди.

Кейинги бир ярим йил мобайнида фермер хўжаликларининг фақат 1 фоизи лизинг асосида техника воситалари сотиб олган, холос. Савол туғилади — давлатимиз томонидан яратилган бу имкониятдан фермерларнинг кенг фойдаланишига ким ва нима тўсиқ бўлмоқда?

Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласида ҳам кўп жойларда масъулиятсизлик, ошнаоғайничилик, уруғ-аймоқчилик, қўпол қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кузатиш мумкин.

Фақатгина текширилган майдонларнинг ўзида пахта ва ғалла экишга мўлжалланган 660 гектар ердан мақсадга хилоф тарзда фойдаланилгани, 420 гектар ер одамларга ноқонуний равишда ажратиб берилгани, 390 гектар ҳисоботдан яширилгани, 150 гектарда қонунга зид равишда полиз ва сабзавот экинлари экилгани, 60 гектар ер эса ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани шундан далолат беради.

Шу борада жуда кўп мисолларни олиб келиш қийин эмас. Поп туманининг "Сирдарё" ширкат хўжалиги тасарруфида бўлган 16 гектар ерни В.Тоштемиров деган шахс ўзбошимчалик билан эгаллаб, бир неча йилдан буён ноқонуний фойдаланиб келган, оқибатда хўжаликка катта моддий зарар етказилган.

Чуст туманининг собиқ ҳокими Т.Рўзибоев ер ажратишда мансаб ваколатларини суиистеъмол этгани ва катта миқдордаги транш пулларини талон-торож қилгани учун судланган. Шу туман ҳокимининг ўринбосари В.Ғозиев эса ўз номига "Ғозихон Эшон" фермер хўжалигини ташкил этиб, 10,5 гектар ер майдонини эгаллаб олган.

Учқўрғон тумани ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари А.Мамадалиев турмуш ўртоғи номига 20 гектар, туман ҳокимининг собиқ ўринбосари Х.Абдуғаниев эса ўз ўғли номига 20 гектар ерни расмийлаштирган.

Косонсой тумани собиқ ҳокими У.Маматов вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходими О.Абдурахмоновга 17 гектар, ўз куёви О.Маъруповга эса 5 гектар ва "Косонсой" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ю.Каримовнинг ўғлига 7 гектар ер ажратиб берган. Ҳозирги пайтда ушбу ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзингиз ўйланг, аҳоли ўта зич яшайдиган, ер танқис бўлган бир шароитда шундай адолатсиз ишларга йўл қўйилса, авваламбор, раҳбарларнинг ўзи шунга бош бўлса, қонунни ҳам, инсофу диёнатни ҳам унутса, оддий одамлар дардини кимга айтсин?

Вилоятда қишлоқ хўжалиги учун сув билан ҳаводек зарур бўлган моддий ресурсларни ўзлаштириб юбориш каби бемаза ишларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Масалан, 2004 йилнинг ўтган даврида 19 ҳолатда нефть маҳсулотларини, 45 ҳолатда эса минерал ўғитларни ноқонуний четга чиқариш билан боғлиқ қонун бузилишлари аниқланди.

Агар шу вақт мобайнида республика бўйича 368 та ана шундай ҳолат аниқланган бўлса, бунинг 226 таси Наманган вилоятига тўғри келади. Бу эса вилоятда моддий ресурслардан оқилона, масъулият билан фойдаланиш ўрнига қинғир ишлар авж олаётганини кўрсатади.

Бундай нопок ишлар бўйича тегишли тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда ва айбдорлар албатта қонун олдида жавоб беради.

Ҳар қандай иқтисодиёт ривожининг асоси бўлган, уни модернизация қилишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш масаласига тўхталиб ўтсак, бу йўналишда ҳам салбий ҳолатга гувоҳ бўламиз.

Афсуски, изчил ва аниқ иш режаси белгилаб олинмагани сабабли бу соҳада Наманган вилояти ҳали-бери оқсоқ бўлиб қолмоқда.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, 2003 йили вилоят иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми 2001 йилга нисбатан 2,5 баробар камайиб кетган.

Кўпгина корхоналарнинг бозор талаблари асосида фаолият юрита олмаётгани, улар ўртасида шартнома муносабатларининг тўғри йўлга қўйилмагани, ўзаро тўлов интизомига риоя қилинмаётгани вилоят иқтисодиётида оғир муаммо бўлиб турибди.

Бундай нохуш аҳвол кундан-кунга мураккаблашиб, чигаллашиб бораётганига қарамай, вазиятни ўнглаш асосий вазифаси бўлган бу ердаги айрим раҳбарлар қандайдир гердайиб, ўзига бино қўйиб юргани, улардаги лоқайдлик ва беғамлик кайфияти барчамизда ташвиш уйғотиши даркор.

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига тараққиётимизнинг негизи ва асоси сифатида катта эътибор бераётганимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Наманган вилоятида ҳам бу борада бирмунча ишлар қилинмоқда.

Айни пайтда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини камситиш, уларнинг йўлига сунъий ғов-тўсиқлар қўйиш ҳолатлари борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Тадбиркорлик субъектларига қонун талаблари асосида хўжалик бинолари ва ер участкаларини ажратиш, уларни соддалаштирилган тартибда рўйхатга олиш, расмийлаштириш ишлари пайсалга солинаётгани ҳақида тегишли идораларга кўплаб шикоят ва аризалар тушаётгани ҳам шуни кўрсатади.

Бу борада туман ҳокимликларининг 31 та қарорига асосан жами 770 нафар тадбиркордан ноқонуний маблағлар жалб қилингани, ер ажратишда 122 та, савдога рухсатнома беришда 1600 та, рўйхатдан ўтказиш инспекциялари фаолиятида 3200 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганини таъкидлаш зарур.

Юртимизда тадбиркорлар синфини шакллантириш ва уларнинг йўлини очиб беришда хусусийлаштириш жараёнларининг аҳамияти катта экани шубҳасиз.

Аммо Наманган вилоятида бу соҳадаги ишлар аксарият ҳолларда хўжакўрсин учун, юзакилик билан олиб борилмоқда. Белгиланган хусусийлаштириш ва акцияларни сотиш кўрсаткичлари бажарилмасдан қолиб, бу ерда корхоналарни бошқаришнинг алмисоқдан қолган самарасиз усуллари ўзгармаяпти.

Яъни, хусусийлаштирилган корхоналарда ҳали-бери эски директорлар корпуси ишламоқда ва айнан шунинг учун ҳам Наманганда ҳақиқий мулкдорлар синфининг шаклланиши сust бормоқда.

Катта-катта минбарлардан, оммавий ахборот воситаларидан айтилаётган даъват ва чақириқларга, танқидий фикрларга қарамай, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва бошқарув органларининг ноқонуний аралашуви ҳанузгача давом этмоқда.

Ўз навбатида назорат идораларининг хўжалик субъектларига улгуржи ва чакана савдо юритиш учун ноқонуний равишда рухсатномалар бериб юборaётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Масалан, Наманган туманидаги 14 та, Косонсой туманидаги 6 та тегишли моддий базага эга бўлмаган ва низом жамғармаси шаклланмаган хўжалик субъектларига улгуржи савдо ҳуқуқи бўйича ҳужжатлар амалдаги қоидаларга зид тарзда берилган.

Бунинг орқасида тамагирлик борлигини, аниқроқ айтганда, пора олиш борлигини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир муҳим муаммога қаратмоқчиман.

Гап хуфёна иқтисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйиш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, уларни банкка топширмаслик ҳолатларининг олдини олиш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмаётгани ҳақида бормоқда.

Наманган шаҳри ва туманларида, умуман, вилоят бўйича товар айланмаси ўсиб бораётгани ҳолда, нақд пул тушумлари кескин камаймоқда. Шу йилнинг ўтган январь-июль ойлари давомида нақд пул тушуми Чуст туманида 36 фоиз, Янгиқўрғон туманида эса 45 фоизни ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят бўйича 145 та субъект ўзининг солиқ ҳисоботларида жами 6,8 миллиард сўмлик тушумни камайтириб кўрсатган, 30 та субъект эса жами 529 миллион сўмлик нақд пул тушумини банк кассасига топширмаган.

Масалан, Поп туманидаги "Водий экспресс" масъулияти чекланган жамияти қисқа муддат ичида 1 миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд товар айланмасини амалга оширган, лекин солиқ ҳисоб-китобларида 43 миллион 300 минг сўм товар айланмасини кўрсатиб, 1 миллиард 650 миллион сўмдан ортиқ маблағни яшириб қолдирган.

Афсуски, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Биз кейинги пайтда ички истеъмол бозоримизни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Аммо бу масала ҳали-бери долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, Наманган вилоятида бу борадаги аҳволни талаб даражасида деб бўлмайди.

Буни қуйидаги далиллар ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, Ангрен — Поп нефть базаларидан фойдаланиш корхонасининг мансабдор шахслари Чуст туманидаги Олмос, Поп туманидаги Пунгон қишлоқларида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар билан тил бириктириб, Қирғизистон ва Тожикистонга нефть маҳсулотларини олиб бориб сотиш билан шуғулланган. Бу ҳолат бўйича 49 киши жавобгарликка тортилгани бундай бемаза ишлар вилоятда анча илдиз отганини кўрсатади.

Айни пайтда етарли назорат бўлмагани сабабли айрим мансабдор шахслар томонидан мақсадли фондлар маблағларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда.

Чуст тумани "Пахтабанк" бўлими бошқарувчиси Р.Мирзаолимов, туманнинг собиқ ҳокими Т.Рўзибоевнинг кўрсатмасига асосан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ғалла етиштириш учун келиб тушган 92 миллион сўмлик транш пулларини мақсадга хилоф тарзда йўналтиргани учун жавобгарликка тортилган.

Қадрли юртдошлар!

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш — юртимизда бугун олиб борилаётган давлат сиёсатининг ҳал қилувчи масалаларидан биридир. Аммо бу соҳада ҳам вилоятда талай нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Наманган шаҳридаги собиқ Давлатобод тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимаси К.Умурзоқова зиммасига ёлғиз яшаётган, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган бир гуруҳ пенсионерларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Аммо у ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ана шу пенсионерларга тегишли уй-жойларни ўз номига ўтказиб олган ва жами 4,2 миллион сўмлик молмулкни товламачилик йўли билан ўзлаштиргани учун судланган.

Косонсой туманида кейинги икки йил давомида 111 та оилага бир миллион сўмдан зиёд маблағ қалбакилаштирилган ҳужжатлар асосида тўланган ҳам бу соҳада тегишли тартиб-интизом ва назоратнинг етишмаётганини кўрсатади.

Эътиборингизни оддий юртдошларимиз учун ўта долзарб бўлган яна бир масалага қаратмоқчиман. У ҳам бўлса, асосий кундалик эҳтиёж товарларининг савдо шохобчаларида доимий бўлишини таъминлаш масаласидир.

Афсуски, вилоятда бу соҳада ҳам кўпгина камчиликларни учратиш мумкин. 2004 йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишлар натижасида 246 ҳолатда ун, 215 ҳолатда ўсимлик ёғи, 153 ҳолатда эса шакар маҳсулоти сотувда бўлмагани аниқланган.

Шу ўринда бир савол туғилади: республикамизда бу маҳсулотларнинг ҳаммаси етарли миқдорда бўлса. Ғалла ҳам, пахта ёғи ҳам ўзимизда етиштирилса, ун комбинатлари ишлаб турган бўлса, нима учун Наманган вилоятида бу масалада узилишларга йўл қўйиляпти? Ҳокимлар, мутасадди раҳбарларнинг бундан хабари борми? Мен ҳокимлар ҳафтада бир марта дўконга кирсин, бозорга кирсин, мактаб, касалхоналарга кирсин, халқнинг турмуши, ҳолаҳволидан хабардор бўлсин, деб бежиз такрорламайман. Лекин нима учун бу масалаларда ўзгариш бўлмаяпти?

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги камчиликлар туфайли вилоятда айрим касаллик турлари кўпаймоқда. Айниқса, вирусли гепатит билан касалланиш 2003 йилда республикадаги ўртача кўрсаткичдан 35 фоиз юқори бўлгани, энг аввало, вилоят раҳбарларини, шу соҳага мутасадди ходимларни ташвишга солиши зарур.

Қишлоқ шароитида яшайдиган аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Чунончи, 1996-2003 йилларга режалаштирилган 209 та қишлоқ врачлик пунктидан 32 таси ишга туширилмаган. Жорий йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган 20 та қишлоқ врачлик пунктидан ҳозирга қадар атиги 3 таси қуриб битказилган.

Хотин-қизлар саломатлигини асраш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан бири экани ҳақида биз кўп гапирамиз.

Бу борада республика миқёсида катта ишлар қилинаётган бир пайтда Наманган вилоятида бу масалада қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти. Айниқса, опа-сингилларимиз, аёлларимизни соғломлаштириш ишлари талабга жавоб бермаслиги, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ўртасида турли касалликларга чалиниш ҳолатлари кўпайиб бораётгани шундай дейишга асос беради.

Барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш соҳасида ҳам муаммолар кам эмас.

Вилоятдаги 673 та умумтаълим мактабида бўқувчиларнинг қарийб 30 фоизи икки сменада ўқимоқда. Шунга қарамай, 11 минг 300 ўринли 24 та мактаб қурилиши охирига етказилмасдан тўхтатиб қўйилган.

Бугунги кунда мактабларнинг 175 таси капитал реконструкциялашга, 353 таси капитал таъмирлашга, 145 таси эса жорий таъмирлашга муҳтож.

Албатта, биз бу масалани яқинда қабул қилинган Умумтаълим мактабларини ривожлантириш давлат дастури доирасида ҳал қиламиз, лекин вилоят раҳбарияти ҳам қўл қовуштириб ўтирмаслиги лозим эмасми?

Вилоятда кейинги 6 йил мобайнида 69 та касб-ҳунар коллежи ва 4 та академик лицейни фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Амалда эса 12 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицей қуриб битказилмаган.

Гап қурилиш ҳақида борар экан, яна бир муҳим ҳолатга сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мен кейинги пайтларда Наманганга асосан қўшни вилоятлар орқали автомобилда келганим сабабли анчадан буён шаҳар аэропортида бўлмаган эканман. Бугун разм солиб қарасам, аэропортда 1991 йилдан бери деярли ҳеч нарса ўзгармабди. Ҳолбуки, аэропорт — ҳар қандай шаҳар ёки вилоятнинг дарвозаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юзи. Шунинг учун мен тегишли раҳбарларга бу тўғрида топшириқ бердим, яқин кунларда Наманган аэропортини ҳар томонлама замонавий талабларга жавоб берадиган аэропортга айлантириш учун зарур ишларга киришамиз.

Ўрни келганда шуни ҳам айтмоқчиманки, Наманган шаҳрининг марказини ҳам аниқ белгилаб, шу юртнинг улуғ тарихий сиймоларини ёдга солиб турадиган ғўзал бир истироҳат боғи ташкил қилсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лекин бу таклиф аввало сизлардан — Наманган аҳлидан чиқиши лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш, маиший ва коммунал хизмат даражасини оширишга етарлича эътибор берилмаётгани оқибатида аҳолининг коммунал хизматлардан қарзи 3,5 миллиард сўмга етган ва бу ҳол жиддий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишлари ҳам бугунги талаб даражасида деб бўлмайди.

Биргина 2004 йилнинг ўтган даврида оғир жиноятлар 15 фоиз, ўта оғир жиноятлар эса 16,5 фоиз, жумладан, босқинчилик 75 фоиз, фирибгарлик 20 фоиз, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари эса 32 фоизга ошгани шу фикрни исботлайди.

Азиз дўстлар!

Бугун Наманган вилоятида вужудга келган мана шундай вазиятни таҳлил қилиб, ягона бир хулосага келиш мумкин. Яъни, кейинги пайтда вилоят ҳаётида, аввало унинг раҳбарияти фаолиятида масъулиятни бутунлай унутиб қўйиш кайфияти пайдо бўлган ва бу ҳолат барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Шу ўринда катта-кичик барча раҳбарларга айтмоқчиман: аҳолимиз сиз билан бизга шундай мансаб ва мартабаларни, етакчиликни ишониб топширган экан, айни вақтда бўйнимизга жуда катта масъулият ва жавобгарликни ҳам юклаган.

Раҳбарлик лавозими ҳақида, унинг бугунги замонда нақадар мураккаб ва оғирлиги ҳақида охирги вақтларда жуда кўп тилга оламиз.

Лекин, минг таассуфлар бўлсинким, бундан кўпчилик, шу жумладан, юқори мансабларда ўтирганлар ҳам керакли хулоса чиқариши жойларда сезилмайди.

Қўшни вилоят, қўшни туманда ўзининг масъулиятини йўқотиб қўйган, оёғи ердан узилиб қолган, манманликка берилиб — қўпол бўлса ҳам айтишга мажбурман — қутуриб кетган шахслар ўртасида турли касалликларга чалиниш ҳолатлари кўпайиб бораётгани шундай дейишга асос беради.

Одамлар кўрсин, эшитсин, билсин, раҳбарлар шундан хулоса чиқарсин, деб биз бу мажлисларни телевидение орқали кўрсатамиз. Мана, бугун Наманганда сессия бўляпти. Бу ерда айтилган танқидий гаплар бўйича қўшни вилоятлар раҳбарлари ўз ҳудудларида фаолларни тўплаб, муҳокамалар ўтказиб, бундай камчиликлар, афсуски, бизда ҳам бор, уларни ўзимиз бартараф этишимиз лозим, деб тегишли чораларни кўрса, ўйлайманки, бундан аввало уларнинг ўзи ютган бўларди.

Гўёки бу лавозим, бу амал уларга ота-боболаридан мерос бўлиб қолгандек, уларни эртага ҳеч ким қулоғидан ушлаб жавобгарликка тортмайдигандек туюлади.

Яқинда бўлиб ўтган Андижон, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари кенгашларининг сессияларида очиқ ва аччиқ гапларни айтганимиз барчангизга яхши маълум, албатта.

Ана шу кескин танқидий гаплар бошқа раҳбарларимизга, бошқа вилоят ҳокимларига ҳам сабоқ бўлади, улар бундан тегишли хулоса чиқариб олади, деган фикр ҳар қандай ақли расо одамнинг хаёлига келиши табиий ҳол, деб ўйлайман.

Аммо, минг афсуски, бугун бу гапларни Наманганда ҳам такрорлашга тўғри келмоқда. Лекин мен ишонаман — ҳаёт ўзгариши, онгу тафаккурнинг юксалиши билан одамларимиз шундай ҳолатлар бошқа такрорланмайдиган, уларга асло йўл қўйилмайдиган кунларга ҳам етиб боради.

Сизлардан ўтинчим шуки, бугун юртимизда рўй бераётган барча ишларга ўзингизни дахлдор деб ҳис қилинг. Чунки мана шу муқаддас тупроқ, мана шу бетакрор Ватан бизнинг ўзимизники. Агар ҳар бир юртдошимиз ана шундай ҳиссиёт, ана шундай ғурур туйғуси билан яшаса, ўйлайманки, бугунгидек мажлисларга ҳам ҳожат қолмайди.

Барчамиз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим: мансаб курсисида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг бемаза ишларини яширишга қанча уринмасин, одамлар ўзига нисбатан, жамоатчиликка нисбатан адолат бузилаётганини кўриб, бундай раҳбарларнинг қуюшқондан чиқиб кетаётганини барибир сезади, билади.

Қачонки раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, тамадан, ғараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковат уйғун бўлса, фақат шундагина у одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлади.

Яна бир бор таассуф билан айтишга тўғри келади - Наманган вилоятининг ҳокими Тўлқин Жабборов кейинги йилларда ўз фаолиятида ана шу талабларни бутунлай унутиб қўйди.

Бу раҳбарнинг иш фаолиятидаги жиддий хато-камчиликлар, айниқса, унинг шахсий манфаатга берилиб, маишатга ружу қўйгани, оқибатда раҳбарлик қиёфаси ва обрўсини йўқотгани шундай ҳолатга сабаб бўлди, десак, ҳақиқатдан холи бўлмайди.

Ўзи ҳоким бўлатуриб, яъни вилоятда қонун устуворлиги ва тартиб-интизомни таъминлашга масъул бўлатуриб, қонунга зид баъзи ишларга бош қўшганини асло кечириб бўлмайди.

Вилоят ҳокими марказдан ажратилган моддий ресурслар, хусусан, ўғит ва ёқилғи маҳсулотларини тарқатишда ўзбошимчаликка йўл қўйган, адолат чегарасидан чиқиб кетган.

Кўпроқ ўзига яқин бўлган шахсларга хайрихоҳлик кўрсатган.

Албатта, бундай хайрихоҳлик текинга бўлмаган, деб ўйлашга асос бор.

Бугунги кунда бундай нопок ишлар юзасидан тегишли суриштирув-тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг бир қатор туман ва вилоят ташкилотлари фаолиятидаги қонунбузилишлар юзасидан тақдим этган расмий ҳужжатларини ўз вақтида кўриб чиқиб, уларга принципиал баҳо бериш ўрнига, Т.Жабборов ўз шахсий манфаатини кўзлаган ҳолда, бу ишни асоссиз равишда пайсалга солиб келган.

Чуст тумани ҳокимининг 2004 йил 12 январдаги қарори билан вилоят ҳокимининг укаси Э.Жабборов ва унинг яқин таниши Х.Расуловга 200 гектар ер ажратилиб, 16 апрелда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланган.

Аммо "Ер тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилгани учун прокуратура томонидан вилоят ҳокими номига ушбу ҳолатни бартараф этиш тўғрисида киритилган тақдимномани писанд қилмасдан эътиборсиз қолдирган.

Ёки бошқа бир мисол.

Косонсой туманининг собиқ ҳокими Убайдулла Маматовнинг укаси, "Наманганнефтмаҳсулотлари" корхонаси раҳбари Абдулла Маматов ўз мансабини суиистеъмол қилиб, нефть маҳсулотларини талон-торож қилгани учун 2003 йилда унинг устидан жиноят иши қўзғатилган.

Бу одам вилоят кенгашининг депутати бўлгани сабабли уни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан розилик олиш бўйича вилоят ҳокими номига киритилган прокурор тақдимномасини Т.Жабборов бир неча бор инобатга олмаган ва фақат орадан 9 ой ўтганидан кейин, Олий Мажлис аралашувидан сўнггина бу масала қонуний асосда ҳал этилган.

Лекин А.Маматов суд ҳукмига кўра айбли деб топилса-да, амнистия билан асосий жазодан озод этилган. Бу "чаққон" мансабдор "акахон"лари ёрдамида Тўрақўрғон нефть базасининг Чуст филиали раҳбари лавозимини эгаллаб, ўзининг қинғир ишларини давом эттирган ва қайта жиноятга қўл урган, айни пайтда унинг устидан тергов давом этмоқда.

Вилоятнинг биринчи раҳбари одамлар ҳаётидаги долзарб муаммоларни ечиш ўрнига ана шундай нопок кимсаларни ўз ҳимоясига олиб, уларга ҳомийлик қилиш билан овора бўлганини бугун гапирмасдан бўлмайди. Ўзингиз яхши тушунасизки, фирибгарлар билан тил бириктириб, уларга бошпана бериб юрган раҳбарнинг обрўйи нимага арзийди?

Бу одамнинг шунча йил вилоят ҳокими бўлиб, шу вазифада ишлаб, оиласи эса Тошкентда яшаб юрганининг ўзи ақлга сиғмайдиган бир ҳолат.

Умуман, Т.Жабборовнинг йўл қўйган хато-камчиликлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, лўнда қилиб айтганда, унинг энг катта хатоси — у ўзининг раҳбарлик бурчини, керак бўлса, вилоят ҳокимига юклатилган муҳим вазифаларни бажаришдан узоқ бўлиб, одамларнинг бошини қовуштириш, уларнинг дардига дармон бўлиш у ёқда турсин, охирги йилларда атрофига хушомадгўйларни тўплаб, кадр танлашда, оқни қорадан ажратишда ўзини йўқотиб қўйгани ҳақида гапиришга бугун барча асослар бор.

Ҳар қайси инсон, айниқса, раҳбар шахс ўз меҳнати, билим ва тажрибаси, ахлоқий фазилатлари билан эл-юрт орасида ишонч қозонмаса, аксинча, уларнинг кўз ўнгида обрўси, қадр-қимматини йўқотса, бундай одамнинг раҳбар лавозимида ўтиришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Қадрли дўстлар!

Юқорида айтиб ўтилган нохуш ҳолатлар вилоят раҳбарияти, аввало, биринчи ҳоким фаолиятига адолатли баҳо бериш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур амалий чораларни кўришни тақозо этади.

Вилоят ҳокими Т.Жабборов ўз фаолиятига ўринли баҳо бериб, эгаллаб турган лавозимидан озод этишни сўраб ариза берган. Ана шу аризани сизларнинг эътиборингизга ҳавола этиб, ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди сизлар билан вилоятнинг янги раҳбарини сайлаб олишимиз керак.

Биз Наманган вилояти ҳокими вазифасига номзод танлашда, авваламбор, шу ернинг паст-баландини яхши биладиган, кўпни кўрган, тажрибали оқсоқоллар ва фаоллар билан суҳбатлашдик, уларнинг фикр-мулоҳазаларини атрофлича ўргандик.

Ана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Наманган вилояти ҳокими лавозимига ҳозирги кунда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаётган Икромхон Нажмиддинов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Ўйлайманки, сиз, шу залда ўтирганлар бу инсонни яхши биласизлар ва уни ортиқча таърифлашга асос йўқ, деб ҳисоблайман.

Бу таклиф бўйича ҳам ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Азиз юртдошлар!

Биз Оллоҳнинг назари тушган мана шу муқаддас заминда ягона халқ бўлиб яшамоқдамиз. Барчамиз она Ўзбекистонимизни ўзимиз учун ягона Ватан деб биламиз.

Барчамизни бирлаштирадиган, бизларга куч-қудрат ва мадад берадиган туйғу — диёримизнинг ҳар қайси вилояти, шаҳар ва қишлоғида истиқомат қилаётган одамларимизнинг ўз туғилиб ўсган тупроғига бўлган фарзандлик меҳри ва садоқатидир.

Беқиёс ва бетакрор бўлмиш ғўзал Ўзбекистонимизнинг ҳар қайси воҳа ва ўлкасининг ўзига хос хислат-аломатлари борки, улар ўзаро уйғунлашиб, ягона халқимизнинг миллий хусусият ва фазилатларини ифода қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, барчамиз Наманган аҳлини бошқалардан ажратиб турадиган ахлоқ-одоб, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат ва ширинсўзлик каби фазилатларига ҳамиша ҳавас қиламиз, уларни юксак қадрлаймиз.

Менинг сизларга, сизлар орқали бутун Наманган аҳлига қаратилган тилагим ва даъватим шуки, келинглар, азиз дўстларим, мана шу табаррук юртга муносиб бўлайлик, уни улуғлайлик, ота-боболаримиздан мерос қолган ноёб бойликларни бизлардан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўладиган келгуси авлодларга етказайлик.

Шу улуғ мақсадга эришиш учун ҳаммамиз бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, Оллоҳ берган ақл-заковатимиз ва ғайратимизни, бор кучимиз ва имкониятларимизни ишга солайлик.

Бу борада мен бутун юртимиз ёшлари қатори Наманган ёшларига ҳам ишонаман. Илм-фан бўладими, санъат ёки спорт бўладими — бу соҳаларнинг барчасида катта ютуқларни қўлга киритиб, кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотаётган ана шундай ўғил-қизларимиз билан фахрланаман. Бугун вилоятнинг олий ўқув юртларида, университетларнинг биноларидан қолишмайдиган лицей-коллежларда таълим олаётган ёшларимизнинг кўзига қаранглар, уларда бир дунё орзу-умид бор, келажакка ишонч бор.

Биз аслида ким учун, нима учун яшаяпмиз? Барча қилаётган амалий ишларимиз кимга, қандай эзгу мақсадга қаратилган? Биринчи галда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёш авлод тарбиясига қаратилган.

Юртимизда бошланган ва тобора кучга кириб бораётган бу олижаноб ва қудратли ҳаракат ҳадемай ўз мевасини, ўз ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Энг муҳими, бундай ҳаракат, бундай интилиш билан яшайдиган халқни ўз буюк мақсадларидан қайтариб ҳам, тўхтатиб ҳам бўлмайди.

Ишончим комилки, меҳнаткаш ва жонкуяр Наманган эли бу ҳаракатнинг ҳамиша олдинги сафида бўлади. Бу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

тишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига ошириди;

сайловни ва референдумни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди;

Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;

5) **6-моддаси биринчи қисмининг олтинчи** ва **еттинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек, референдум якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ахборот беради;

тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади;

ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади»;

6) **8-моддасининг** ўзбекча **матнидаги** «баёни», «баён», «баёнга» деган сўзлар тегишинча «баённомаси», «баённома», «баённомага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **10** ва **11-моддаларидаги** «жамоат бирлашмалари» деган сўзлар «нодавлат нотижорат ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XIV.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Телекоммуникациялар тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №9, 219-модда) **8-моддасининг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг манзил маконидан ҳамда домен номидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди»;

**ўн учинчи – ўн еттинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи – ўн саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 август.

**16**

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2004 йил**

Қирқиш чизиғи

ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**VII.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 269-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда, №7–8, 217-модда; 2001 йил, №1–2, 11, 23-моддалар, №9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №5, 67-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда):

1) **76-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи – саккизинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Жиноят ишини биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини апелляция ёки кассация инстанциясида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини назорат тартибида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Суриштирувчининг, терговчининг, шунингдек, суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятини бажариши, башарти ушбу иш қўшимча тергов юритиш ёки судда янгидан кўриш учун юборилган бўлса, улар томонидан тегишлича суриштирув, дастлабки тергов юритишга, шунингдек, суд мажлиси баённомасини тузишга монелик қилмайди»;

2) **342-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув жиноят ишини терговчига ўтказиш ёки уни ушбу Кодекснинг 584-моддасида назарда тутилган тартибда судга юбориш билан тамомланади.

**8**

Буклаш чизиғи

Суриштирувчи қуйидаги ҳолларда суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, башарти:

1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;

2) муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;

3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;

4) терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради»;

3) **471-моддасининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) ҳукм устидан ушбу Кодекснинг тегишинча 497[3], 497[4], 499 ва 500-моддаларида назарда тутилган апелляция ва кассация шикояти бериш, протест билдириш тартиби, муддатлари»;

4) **498-моддаси биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «Ушбу Кодекснинг 511-моддасида кўрсатилган шахслар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5–6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4–5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда, №7–8, 217-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9–10, 149-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда, №5, 90-модда):

1) **186[1]-моддаси** чиқариб ташлансин;

2) **245-моддасининг биринчи қисмидаги** «186[1]-моддасида (акциз маркалари билан маркаланмаган товарларни реализация қилиш ҳолларидан ташқари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **264-моддасининг биринчи қисмидаги** «186[1]-моддасида (акциз маркалари билан маркаланмаган товарлар реализация қилинган ҳолларда)» деган сўзлар

**9**

Қирқиш чизиғи

округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг ҳаражатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатлари-

**14**

Буклаш чизиғи

лаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимига биноан сайланади.

Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

**III.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 325-модда; 1994 йил, №11–12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 269-модда; 1996 йил, №5–6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2003 йил, №1, 8-модда) **1-моддаси учинчи қисмининг** ўзбекча **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларнинг қиймати, киритилган улуш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида ифодаланади ҳамда тўланади, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида (акциялар бўйича – мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) тўланади».

**IV.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»**ги Қонунининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №9–10, 132-модда):

1) **20-моддасининг бешинчи қисми** «қатнашиш ҳуқуқини» деган сўзлардан кейин «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодни рўйхатга олишни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **22-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим»;

**тўртинчи қисми** тегишинча **бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

3) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** «камида юз нафар» деган сўзлар «камида уч юз нафар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **23[1]-моддаси** билан тўлдирилсин:

**«23[1]-модда. Имзо варақалари тўғри тўлдирил-**

**3**

Қирқиш чизиғи

дасида назарда тутилган энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади»;

2) **66[1]-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таносил касаллигини тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (отаонани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-модда-

**6**

Буклаш чизиғи

рилсин:

«Кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун устама фойда солиғи тўланишини назарда тутадиган фойданинг бир қисмига солиқ солишнинг алоҳида тартиби жорий этилиши мумкин. Устама фойда солиғи тўловчилар, уни тўлаш тартиби ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**XI.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №9, 232-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2000 йил, №7–8, 217-модда; 2001 йил, №5, 89-модда, №9–10, 182-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда) **9-моддасининг иккинчи қисмидаги** «транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, №1–2, 11-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда):

1) **104-моддаси** «ҳал қилув қарорлари устидан» деган сўзлардан кейин «апелляция» деган сўз билан тўлдирилсин;

2) **116-моддасининг учинчи қисми** «баён қилинган қоидалар» деган сўзлардан кейин «апелляция» деган сўз билан тўлдирилсин;

3) **224-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим.

Суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин»;

4) **226-моддасининг биринчи қисмидаги** «тарафларнинг» деган сўз «ишда иштирок этувчи шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **229-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли»;

**11**

Қирқиш чизиғи

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Шу йилнинг декабрида мамлакатимизда демократик жараёнларни янада ривожлантириш борасида катта аҳамиятга эга воқеа рўй беради — икки палатали парламент, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларига сайловлар ўтказилади. Уларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида очиқлик, ошкоралик ва трансперентликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда бу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш Бухорода ўтган халқаро семинарнинг мавзуси бўлди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилди. Семинарда халқаро экспертлар ва халқаро ташкилотлар, Украина, Ҳиндистон, Қозоғистон, Индонезиянинг турли жамоат ҳамда давлат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, хорижий дипломатлар иштирок этди.

Семинарнинг Бухоро шаҳрида ўтказилгани бежиз эмас. Бу нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчиларнинг фаоллашаётганидан далолатдир.

— Бўлажак сайловлар тамомила янги асосда ўтади ва ҳуқуқий демократик давлат қурилиши йўлида яна бир муҳим қадам бўлади, — деб таъкидлади семинарни очар экан, Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон сиёсий тизимида жиддий ўзгаришлар юз берди. Мамлакат тарихида биринчи марта Президент сайланди, вакиллик ҳокимиятини шакллантиришнинг дунёда энг демократик тизими, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Сўнгги вақтда қабул қилинган қонунлар сайлов жараёнини тартибга солиб, демократия тамойилларига қатъий амал қилишга асосланади ва халқаро меъёр ҳамда стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Семинарда иштирок этган ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг етакчи эксперти Николай Вулчанов дунёнинг ривожланган мамлакатларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда қўлланадиган халқаро меъёрлар ва стандартлар ҳақида батафсил маълумот берди. Ҳиндистон, Қозоғистон, Украина ва бошқа мамлакатлардан келган экспертлар семинар қатнашчиларини ўз мамлакатларида демократик асосда сайлов кампаниясини ташкил этиш борасидаги тажриба билан таништирди.

Ҳиндистонлик эксперт; Ҳиндистон Молия институти бизнес мактаби директори Аман Агарвал декабрь ойида Ўзбекистонда ўтказиладиган сайловлар Президент Ислом Каримовнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтиш ҳақидаги тамойилининг амалий ижроси эканлигини таъкидлади. Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши — ижобий қадам, бугун дунёдаги энг етук демократик давлатлар шундай тизимга эга.

Украина Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқиқ этиш маркази мувофиқлаштирувчиси, эксперт Андрей Мишиннинг фикрича, Ўзбекистонда демократик сайловларни ўтказиш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Ўзбекистонда демократик тамойилларни қўллашнинг кўп асрлик тажрибаси мавжуд. У маҳалла каби ижтимоий институт томонидан яратилган. Бугун бу жараёнда сиёсий партиялар ва бутун жамият иштирок этмоқда. "Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз бошқа мамлакатларда сайловлар қандай ташкил этилиши билан танишмоқдалар. Айни пайтда, аминманки, Ўзбекистоннинг демократик қурилиш борасидаги тажрибаси хорижий мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда", — деди А.Мишин. Яқин орада бу соҳада тажриба алмашиш билан шуғулланадиган Ўзбекистон — Украина қўшма жамоатчилик тузилмасини ташкил этиш режалаштирилган.

— Ҳар бир мамлакат демократияни шакллантиришда ўз услубига эга, деб таъкидлади семинарда иштирок этган Индонезиянинг республикамиздаги элчихонаси маслаҳатчиси Сунарти Ихванто хоним. — Чунончи, Ўзбекистон мустақиллликка эришгач, танлаган демократик фуқаролик жамияти қуриш йўли миллий маданият ва анъаналарга ҳамда мамлакатда мавжуд сиёсий тизимга асосланган. Индонезияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бу жараённи давлат сайлов комиссияси мувофиқлаштиради. Унинг таркибига профессионал мустақил экспертлар киради. Комиссия ўз фаолиятини қонунчилик, ҳамжиҳатлик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида олиб боради.

Семинарда қайд этилдики, Ўзбекистонда сайловларнинг демократик тамойиллар асосида, мамлакатимиз ва бошқа давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши юртимизда кучли фуқаролик жамияти қуриш сари қўйилган муҳим қадам бўлади.

Анжуман қизғин мунозара руҳида ўтди. Турли фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Сайловга бағишланган яна қатор анжуманлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Улар ҳам дўстона мулоқот ва қизғин фикр алмашувлар руҳида ўтишига ишонамиз.

**А.ИВАНОВА,**
**И.САФАРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# МДҲ ташкилотининг истиқболи бор

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилиш зарур, деган мулоҳазалари билан ҳамоҳанг эди. Натижада кейинги йилга қадар ижроия қўмита доимий ишчи органларини 48.2 фоизга қисқартириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Остона саммитини Россия телеканаллари эринмай, жуда батафсил ёритишди. Барча мамлакатлар учун, айниқса, Беслан воқеаларидан кейин бу давлат учун долзарб бўлган терроризмга қарши кураш мавзуи барча эшиттиришларнинг диққат марказида бўлди. Барча ахборот дастурларида Президент Ислом Каримовнинг «Бугун биз фақат террорчиларнинг ўзлари билан кураш олиб бормоқдамиз, бунинг самараси кам, бугун уларни молиявий томондан таъминлаётган, террорчиларни тайёрлаётган марказларга қарши кураш олиб бориш зарурлиги ҳамда МДҲ доирасида экстремистик ташкилотлар ва террорчиларнинг рўйхатини тузиш» тўғрисида билдирган фикрлари телевидение орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

Айнан шу фикрлар деярли барча Россия газеталари ва Интернет саҳифаларининг кечаги сонларида ҳам ўз аксини топди. Йиғилишда ҳам Президентимизнинг терроризмга қарши курашда МДҲ доирасида ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги ҳақидаги фикрлари саммит иштирокчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Саммит ишида И.А.Каримов 1994 йилда МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарлари томонидан имзоланган эркин савдо ҳудудини яратиш тўғрисидаги битимнинг амалда ишламаётганига эътибор қаратиб, давлатлар раҳбарларини бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга чорлади. Иқтисодий интеграция йўлга қўйилса, барча давлатлар олдида турган муаммоларнинг ечими топиларди, деди.

Ўзбекистон Остона саммитидан қониқиш ҳосил қилди. Биз томондан киритилган барча таклифлар тўла қўллаб-қувватланди. Демак, мамлакатимизнинг МДҲ доирасидаги нуфузи, обрў-эътибори яна бир карра юксалди, дейишга тўла асос бор. Қолаверса, МДҲнинг келажаги йўқ, деган башоратлар саробга айланди.

**Аброр ГУЛОМОВ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси.**

# МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА АРМИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий истиқлол ғояси, энг аввало, ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини сингдиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилаётир. Жангчиларимизда она-юртимизга муҳаббат ва садоқат, юксак маънавий фазилатлар, аъло жанговар тайёргарлик, Ватанни ҳимоя қилишга шай туришдек ажойиб фазилатлар шаклланишида бу ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти каттадир.

Анжуманда республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қ.Аъзамов, Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори Қ.Назаров, "Оила" илмий-амалий маркази директори В.Каримова ва бошқаларнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳуқуқий омиллари, уларда ҳарбий-ватанпарварлик ғоясини шакллантиришда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг роли ва ўрни, миллий истиқлол ғоясини ёшлар қалбига сингдиришнинг психологик жиҳатлари, миллий истиқлол ғояси — Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда Бремен Федерал ери бошқарувчи бургомистри, адлия сенатори Геннинг Шерф раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси вакиллари меҳмон бўлиб турибди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полвонзода, Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов, Олий суд раиси Ф.Муҳиддинова, Олий хўжалик суди раиси А.Эшметов билан учрашди.

Учрашувларда юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнлари айнан демократик ҳуқуқий давлат талабларига мос равишда олиб борилаётгани таъкидланди.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон ва Германия муносабатлари барча жабҳада, жумладан, қонунчилик, суд, ҳуқуқ-тартибот соҳасида кенгайиб бораётгани, суд тизими органлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ва ўзаро тажриба алмашиш аниқанавий тус олгани қайд этилди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

чиқариб ташлансин;

4) **291-моддаси биринчи қисмининг** «д» **кичик бандидаги** «186¹» рақамлари чиқариб ташлансин.

**IX.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, №11–12; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №9, 229-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда, №5, 90-модда):

1) **212-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларига мувофиқ» деган сўзлар «башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1143-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**X.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сонга илова, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №5, 89-модда, №9–10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, №4–5, 74-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9–10, 149-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда, №5, 90-модда):

1) **7-моддаси биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи»;

2) **8-моддаси:**

**еттинчи қисмидаги** «инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар «ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисми** «акциз солиғини» деган сўзлардан кейин «ва товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилганлик учун қўшилган қиймат солиғини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўққизинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**ўнинчи қисми тўққизинчи қисм** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлди-



Буклаш чизиғи

сининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан яраша ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар яралилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди»;

3) **186¹-моддаси:**

**биринчи қисмининг диспозициясидаги** «шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда содир этилган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмининг санкцияси** «етти йилдан» деган сўзлардан олдин «энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **251¹-модда** билан тўлдирилсин:

**«251¹-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш**

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд жўнатиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш,



Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**I.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №2, 78-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5–6, 102-модда; 2001 йил, №5, 89-модда) **31-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«31-модда. Ногиронлар меҳнати қўлланиладиган корхоналар учун имтиёзлар**

Ногиронлар меҳнати қўлланиладиган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар имтиёзли асосларда солиқ тўлаш, молиялаштирилиш ҳамда моддий-техника билан таъминланиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Ногиронлар меҳнати қўлланиладиган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларга имтиёзли асосларда солиқ солиш, уларни молиялаштириш ҳамда моддий-техника билан таъминлаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

**II.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги Қонунининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №5, 110-модда; 2003 йил, №9–10, 149-модда):

1) **10-моддаси иккинчи қисмининг ўнинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

2) **12-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисини тайинлайди»;

3) **20-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«20-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш**

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг мас-



Буклаш чизиғи

нинг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённоналарининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, овоз бериш қутиларининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

сайловнинг ва референдумнинг якунини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлови ўтказилишини ташкил этади;

сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатининг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради;

сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатига ва Сенатининг аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жиноий жавобгарликка тор-



Қирқиш чизиғи

6) **346-моддаси биринчи қисми 2-бандининг** ўзбекча **матнидаги** «илгарилашига» деган сўз «кейинги ҳаракатланишига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **348¹³-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишни кассация тартибида кўраётганида суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация шикояти ёки протестининг важлари ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин»;

8) **350-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Протест келтириш учун асос бўлмаса, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим».

**XIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5–6, 95-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №9, 206-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда):

1) **1-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис депутатлари сайловларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги** «Олий Мажлис» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади»;

**бешинчи қисмидаги** «Олий Мажлиснинг қарори бўйича» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **4-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** «Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига



Буклаш чизиғи

номзодни рўйхатга олишни рад этади».

**VI.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9–10, 149-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда):

1) **59-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«59-модда. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш**

Шахс Махсус қисмнинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди.

Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, ушбу Кодекснинг Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг узил-кесил тайинланган муддати ушбу Кодекснинг 45-мод-



Қирқиш чизиғи

**ганлигини сайлов комиссиялари томонидан текшириш**

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги эса округ сайлов комиссияси томонидан текширилади.

Сайлов комиссиялари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади».

**V.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №3, 38-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №9, 206-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда; 2003 йил, №9–10, 134-модда):

1) **22-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим»;

**олтинчи қисми** тегишинча **еттинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **22¹-моддаси** қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи – ўн бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка



Буклаш чизиғи

номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига номзод этиб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг:**

**биринчи хатбошисидаги** «Олий Мажлис» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбошисидаги иккинчи жумла** чиқариб ташлансин;

4) **5-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-модда, Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга биркитиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;



Қирқиш чизиғи


**ҚАРШИ ШАҲРИДА ВИЛОЯТ МАҲАЛЛА ГУЗАРИ МАЖМУАСИ ҚУРИЛИШИГА ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲА**

*таклифи учун очиқ танлов*

***Танлов шартлари***

1. Танловда лойиҳа ташкилотлари, ижодий гуруҳлар, архитекторлар, шунингдек, лойиҳа қилишга қобилиятли жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.
2. Вилоят маҳалла гузари мажмуаси лойиҳасида маҳалла гузарининг фаолият юритиши учун зарур бўлган барча талаблар, қулайликлар ҳисобга олиниши, шунингдек, маҳаллий иқлим шароитлари меъморий ечимларида замонавий, миллий ва анъанавий услублар қўлланиши, мажмуанинг атроф-муҳитга уйғунлашуви ва юқори даражада ободонлаштирилиши, кенг кўламда маҳаллий қурилиш материаллари ва юқори технологияда ишланган хорижий қурилиш материаллари ва буюмларини қўллаш кўзда тутилади.
3. Танлов лойиҳасини ишлаш учун зарур материаллар (топотасвир, бош режадан кўчирма, мажмуа таркиби ва ҳоказо) Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан таъминланади (телефон: 221-16-62).
4. Лойиҳа материаллари (50х70 сантиметрли қаттиқ асосдаги планшетларда тайёрланади ва қуйидаги таркибда тақдим этилади:
   - *жойнинг танланган режаси М 1:2000;*
   - *бош режа М 1:500 ёки 1:200;*
   - *қаватлар режаси М 1:100; М 1:200;*
   - *мажмуанинг умумий кўринишлари М 1:100; 1:50 (2-3 планшет);*
   - *интерьер;*
   - *макет ёки перспектива;*
   - *асосий жойлар фрагменти М 1:10; 1:50;*
   - *кичик меъморий шакллар М 1:10; 1:100;*
   - *2-3 варақда тушунтириш хати.*
5. Энг яхши лойиҳа ечимлари учун:

**Биринчи ўрин** – 1 та – 500 минг сўм. **Иккинчи ўрин** – 1 та – 300 минг сўм. **Учинчи ўрин** – 2 та – 100 минг сўм мукофотлари кўзда тутилади.

6. Танловга тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда 2004 йилнинг 1 октябрига қадар Қашқадарё вилояти ҳокимлиги инжиниринг компаниясига тақдим этилади.

**Манзил: Қарши ш., «Ўзбекистон овози» газетаси к., 3-уй. Телефонлар: 227-16-56, 227-12-63, 227-18-95.**


## *Маслаҳатчилар кенгашдилар*

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан барча жойларда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилган эди. Хоразм вилояти маҳаллаларида маънавий жиҳатдан баркамол, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ўнлаб аёллар ана шу лавозимда ишлашга лойиқ деб топилди. Табиийки, ушбу лавозимнинг вазифалари серқирра бўлиб, ҳали кўпчилик маслаҳатчилар бу борада етарли кўникма ва тажрибага эга эмас. Шу муносабат билан «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими, вилоят адлия ва ички ишлар бошқармалари, Урганч Давлат университети, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорликда маслаҳатчилар ўқувини ташкил этдилар.

Тингловчилар икки кунлик ўқув давомида маслаҳатчилар фаолиятида ёрдами тегадиган масалалар бўйича ўнлаб маърузалар тингладилар. Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

қуйидаги лавозимларга

**танлов эълон қилади.**

1. **Клиник ординатура (бюджетдаги) — 2 та ўрин.**

*Танлов муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой.*

Манзил: 700059, Тошкент ш., У.Носир к., 138-уй.


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси жамоаси «Китоб ва умумнашрий ишлар бўлими» бошлиғи Дилбар Қобуловага турмуш ўртоғи

**Аҳмад ҚОБУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимининг ходими Муяссар Абдураҳимовага падари бузруквори

**МИРФАЙЗИ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5